
“Тараққиёт” телеканали орқали шу йилнинг 20 феврал кунги кўрсатуви учун Данғара тумани ҳокимлигининг маълумоти.

Данғара тумани ҳокимлиги “Тараққиёт” телеканали орқали шу йилнинг 20 феврал кунги кўрсатувида Данғара туманида фаолият олиб бораётган фермер О.Маматалиевнинг 23,5 гектар ер майдони туман ҳокимлиги томонидан ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ва сабабсиз тортиб олингани, мурожаатчи ва унинг отаси ҳокимликка, қишлоқ хўжалиги ишлари бўлимига, фермерлар уюшмасига бир неча бор мурожаат қилгани сўз юритилди.

Данғара тумани ҳокимлиги қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

Данғара тумани Мулкобод ММТП худудидаги пахта-ғаллачиликга ихтисослашган “Олимжон файзли орзуси” фермер хўжалиги фаолиятига нисбатан “Фермер хўжаликлари ва бўшқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига фаолият юритиш учун берилган ер учаскалари майдонларини мақбуллаштириш” бўйича туман ишчи гуруҳининг 20.01.2019 йилдаги, туман фермер дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 20.01.2019 йилдаги хулосалари асосан туман ҳокимининг 21.01.2019 йилдаги 253-сонли қарори қабул қилинган. “Олимжон файзли орзуси” фермер хўжалигининг “Мулкобод” ММТП худудидаги жами 32.3 гектар ер майдонлари туман ҳокимлиги захирасига қайтарилиб олинган.

Бугунги кунда туман ҳокимлиги захирасида бўлган ерлар тендерга қўйилган бўлиб, “Олимжон файзли орзуси” фермер хўжалиги тендерга қўйилган ерлар ҳақидаги маълумотларни “Данғара” газетасидан олишлари мумкин ва ўтказиладиган тендерга ўз ҳужжатларини тақдим қилишлари мумкин.

Данғара тумани Мулкобод ММТП ҳудудидаги “Дил фаровон” фермер хўжалигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 09.01.2019 йилдаги 14- сон қарорини 4-илоvasида кўрсатилган талаblарига тўлиқ мослиги учун бўйича

2020-02-26 10:46:58